

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМИЙ–ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУРТАЗАЕВ КУВОНДИК МУСТАФАЕВИЧ

**СУВ СОВИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИДА (ГРАДИРНЯЛАРДА) ИССИҚЛИК
ВА МАССА АЛМАШИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Муртазаев Кувондик Мустафаевич

Сув совитиш қурилмаларида (градирняларда) иссиқлик ва масса
алмашиш жараёнларини жадаллаштириш технологиясини яратиш..... 3

Муртазаев Кувондик Мустафаевич

Разработка технологии в охладителях-градирнях за счет интенсификации
тепло-массообменных процессов..... 23

Murtazayev Kuvondik Mustafayevich

Development of technology in cooling agents of coolers due to the
intensification of heat and mass transfer processes..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМИЙ–ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУРТАЗАЕВ КУВОНДИК МУСТАФАЕВИЧ

**СУВ СОВИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИДА (ГРАДИРНЯЛАРДА) ИССИҚЛИК
ВА МАССА АЛМАШИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T96 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Ёнғин хавфсизлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муҳиддинов Джалолiddин Насирович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кремков Михаил Витальевич
физика-математика фанлари доктори, профессор
Шаисламов Алишер Шаабдурахманович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«Issiqlikeletrloyiha» АЖ

Диссертациянинг ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «___» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилган.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Р.Аллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

О.Х. Ишназаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби т.ф.д., к.и.х.

Ш.И. Клычев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари т.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш соҳаларида технологик қурилмаларни узлуксиз совутиш, сифатли электр энергия билан таъминлаш самардорлигини ошириш ҳамда энергия ва ресурс тежамкор иш режимларини яратишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, саноат корхоналарининг технологик линияларида ҳаракатланаётган сувни совутишда ишлатиладиган суғориш қурилмаси ёрдамида энергия самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, ривожланган мамлакатларнинг «саноат корхоналарида кенг қўлланиладиган градириялар ёрдамида янги қабул қилинадиган сувни 95%гача истеъмолини камайитишга эришилади»¹.

Жаҳонда саноат корхоналари ривожланишида иссиқлик энергетикасининг самардорлигини ошириш, ишончилиги ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, айланма сув таъминоти тизимининг ҳар бир элементининг ишлаш хусусиятларига таъсир этувчи омилларини аниқловчи қурилмаларни такомиллаштириш, айланма сув таъминоти тизимини совутиш қобилиятини оширишни комплекс усуллари ишлаб чиқиш, энергия тежамкор градирияларни яратиш йўналишларида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикаимиз мустақилликка эришгач иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини сифат жиҳатидан ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида соҳанинг техник-технологик даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, саноат корхоналарида градирияда иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнларини жадаллаштириш, технологик объектларда электр энергия истеъмолини камайитиш бўйича сезиларли натижаларга эришилиб, саноат корхоналарида айланма сув таъминотининг энергетик самардорлигини ошириш техник воситаси ишлаб чиқиш, градирияларда иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнларини жадаллаштиришнинг таъминловчи технологик суғориш қурилмаларни оптимал ишлашини таъминловчи алгоритмни такомиллаштиришни талаб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайитиш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ...»² бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, саноат корхоналаридаги сув совутиш технологик линияларида энергия тежамкор иш режимларидаги энергетик мувозанатни таъминлаш, қувват исрофини

¹<http://gradirni.tmim.ru>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

мақбуллаш усулларини такомиллаштириш алгоритмини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежмкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориш қурилмалари, сув тутгич ва сув сачратувчи қурилмаларнинг ҳар хил турларини ишлатишга турлича ёндашув асосида қўлланиладиган сувни совитувчи технология ва қурилмалар кўп миқдорда ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Бутун Россия иссиқлик техникаси институти, Конструкторлик технологик маълумотлар маркази, Бутун Россия сув таъминоти, сув олиш ва атрофдаги табиий муҳитни ҳимоялаш илмий тадқиқот институти, Бутун Россия голиргия илмий тадқиқот институти, Энергетика саноати (Россия Федерацияси), Қозоғистон Энергетика ва алоқа илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти, (Қозоғистон) ва мутахассислаштирилган кафедралари бор университетлар Москва энергетика институти (Россия федерацияси), Алмата энергетика ва алоқа институти (Қозоғистон), Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон), Toyohashi, Nagoya (Япония), Foster Wheeler (Финляндия), Alstom (Франция), Mitsubishi (Япония) ва «Бальке-Дюпп», «Техэкопром» (Россия федерацияси) илмий ишлаб чиқариш корхоналарида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Энергия ва ресурс тежамкорлиги ва ишлаб чиқаришни энергия самарадорлигини ошириш бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда машҳур олимлар А.Ф. Володин, В.С. Понамаренко, Ю.И. Арефьев, В.Б. Андрианов, Л.Д. Берман, В.М. Панкрашин, А.Г. Лаптев, Р.И. Нигматуллин, Р.Е. Гельфанд, N.G. Deen, J.Nikuradse, D.G. Kroger, Reinhard Billet, Michael Beckmann, Kenzo Kitamura, Susumu Noda, Naruse Ichir ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнларини жадаллаштириш технологияларини яратиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги ўзбек олимлари Н.Р. Юсупбеков, Д.Н. Мухиддинов, С.М. Туробжонов, А.А. Аскарлов, Х.С. Нурмухамедов ва бошқалар томонидан ҳам бажарилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, градирняларда энергия ва ресурс тежамкор технологияларни иш режимларининг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янги усулларини яратиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда саноат корхоналарида градирнянинг технологик жиҳозларини ривожлантириш ва бошқаришни оптимал вариантларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Энергия ва ресурсларни тежашдаги технологиялар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган янги техник қурилмаларни ишлаб чиқиш» (2012-2020) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналаридаги сувни совитиш даражасини ошириш учун суғориш қурилмаларида иссиқлик масса алмашилиш жараёнини жадаллаштириш, гидравлик қаршилиқни камайтириш, энергетик самарадорликни ошириш режимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кувурлардан қилинган суғориш қурилмаларида сувни совитишнинг самарали энергетик жараёнини математик моделини ишлаб чиқиш;

градирняларда сувни совитиш технологик линияси динамик жараёнининг компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

градирняларда сувни совитишдаги экспериментал кўрсаткичларни компьютер дастурида олинган натижалар мослигини таҳлил қилиш;

градирнялардаги полимер суғориш қурилмали блокни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

энергия самарали технологик жиҳозлар билан саноат градирняларини такомиллаштириш бўйича илмий-техник ечимларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саноат корхоналарининг айланма техник сув таъминоти тизимидаги вентиляторли градирнялар ва уларнинг элементлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети саноат корхоналарининг градирняларидаги иссиқлик ва масса алмашилиш ҳамда уларнинг энергия тежайдиган жараёнларини амалга оширадиган қурилмалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида айланма сув таъминоти тизимининг ишини оптималлаштириш методологияси, гидродинамик, иссиқлик ва масса алмашуви жараёнларини математик моделлаш, статистик ишлов бериш ва интеграл баҳолаш тадқиқот усули қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буғлатиб совитиш градирняларида композицион полимер материаллардан ишланган энергия самарали суғориш қурилмалари билан айланма техник сув таъминотининг энергия технологик схемаси ишлаб чиқилган;

буғлатиб совитиш градирнялари энергия самарали композицион полимер қувурли суғориш қурилмаларидаги иссиқлик ва масса алмашуви жараёнлари-

нинг асосий энергия технологик параметрлари аниқланган;

фазалар тақсимланиши нотекислиги ва турбулентлигини ҳисобга олиб қувурлардан қилинган суғориш қурилмаларида сувни совитиш жараёнининг услуби ишлаб чиқилган;

қувурли суғориш қурилмаларида сувни совутиш, иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнининг бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

градирняларда сувни совитиш тизимидаги ҳавонинг ҳарорати ва тезлигини суғориш қурилмасининг баландлигига боғлиқ ҳолда қувурлар тўпламининг гидравлик қаршилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

иссиқлик энергетика қурилмалари самарадорлигини оширишни таъминлайдиган, техник айланма сув таъминотининг шахмат тартибида жойлаштирилган композицион полимер қувурлардан иборат энергия самарали суғориш қурилмаларида сувни буғлатиб совитишнинг энергия технологик тизимлари ишлаб чиқилган;

суғориш қурилмаси блокининг оптимал ўлчовлари, сувни совитиш жараёнини жадаллаштиришни таъминлайдиган олти қатор қувурлар тўпламидан иборат суғориш қурилмасининг оптимал баландлиги аниқланган;

буғлатиб совитишли градирнянинг композицион полимер суғориш қурилма блокининг ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

вентиляторли градирняларни иссиқлик ташувчи оқимларнинг гидродинамик нотекислигини, электр энергия сарфларини камайтирувчи ва иссиқлик ФИКни оширувчи техник ечимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий асослар, хулоса ва таклифларнинг ишончлилиги иссиқлик ва масса алмашинуви назарияси ва математик физиканинг тегишли бўлимларини жалб қилиб тузилган математик моделларнинг адекватлигига асосланган замонавий, экспериментал маълумотларни таҳлил қилишда текширилган усулларнинг қўлланилиши билан тасдиқланади. Натижаларнинг ишончлилиги экспериментал ва саноат градирняларида олинган ҳисобий ва экспериментал маълумотларнинг мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сувни совитишнинг берилган ҳароратини таъминлайдиган, градирня суғориш қурилмасининг оптимал конструктив ва тартибли (режимли) тавсифини аниқлаш имконини берадиган компьютер ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳисоб-китоб методикасини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат корхоналарида градирняларнинг иссиқлик фойдали иш коэффициентини ошириш тизими ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган тизим вентилятор электр энергияси харажатлари, гидродинамик тенгсизликни камайтирадиган, энергетик самарадорликни ошириш, суғориш қурилмалари ёрдами техник ечимларни градирняларда кенг қўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида айланма сув таъминоти тизимларини тежамкор иш режимларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

БОП-63 суғориш қурилмасига Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган («Градирня суғориш қурилмалари», №FAP 01048-2015 й.). Суғориш қурилмасини татбиқ этилиши ҳароратлар фарқини $\Delta t=10-15^{\circ}\text{C}$ га ошириш имконини берган;

полимер суғориш қурилмасининг блоки (БОП-63) «Ўзбекнефтегаз» АЖ тасаруфидаги корхоналарда, жумладан «Муборакнефтваз» МЧЖ «Кўкдумалоқ» қонидаги газларни босим билан узатиш компрессор станциясининг (ГБУКС) умумий майдони 432 м^2 бўлган уч секцияли вентиляторли градирнясига жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 2 октябрдаги 31/1-446-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши корхонага бир йилда 407700 кВт/соат электр энергияни тежаш имконини берган;

полимер суғориш қурилмасининг энергиятежамкор иш режимлари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда умумий майдонли 192 м^2 бўлган олти секцияли вентиляторли градирнянинг бир секциясида жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 2 октябрдаги 31/1-446-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши корхонага бир йилда 804528 кВт/соат электр энергияни тежаш имконини берган;

термопластик материаллардан экструзия усули бўйича тайёрланган қувурчадан иборат полимер суғориш қурилма блоки Давлат реестрига Tsh15008740-01:2013-сон билан рўйхатга олинган («Ўзстандарт» агентлигининг 2014 йил 18 апрелдаги маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида апробациядан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 3 та мақола, республика журналларида 13 та мақола чоп этилган бўлиб, битта фойдали моделга Ўзбекистон Республикаси патенти мавжуд.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Градирняларда сувни совитишнинг мавжуд технологияларининг замонавий ҳолати таҳлили ва тадқиқот вазифаларининг белгиланиши**» деб номланган биринчи бобида суғориш қурилмалари градирняларда қўлланиладиган сувни совитиш технологияларида гидродинамик, иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнлари асосийлиги кўрсатилган.

Совитиш тизими технологик жиҳозларининг самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, градирнянинг иссиқлик алмашгичларида гидравлик ва аэродинамик оқимларнинг ўзаро таъсир динамикаси оптимал бўлмаганлиги учун иссиқлик ва масса алмашилиш самарадорлиги паст ва ишлаб чиқарилган энергиянинг кўп миқдорда йўқотилиши вужудга келади.

Бунинг натижасида градирнядаги айланма сувнинг тўлиқ совитилмаслиги ва конденсатордаги вакуумнинг етарлича бўлмаслиги кузатилади. Бу ўз навбатида энергия блокнинг фойдали иш коэффициентига ва провардида ИЭС электр энергияни тўлиқ ишлаб чиқармасликка сабаб бўлади.

Мавжуд сувни совитиш схемалари бир қатор камчиликларга эга бўлгани учун ҳамда илмий тадқиқот объектлари доирасининг доимий мураккаблашуви ва кенгайиши иссиқлик энергетика қурилмаларининг айланма сув таъминоти тизимидаги технологик жиҳозлар конструкциялари ва янги самарадор усуллари ишлаб чиқишни талаб қилади. Бу камчиликларга сувни совитиш самарадорлигининг кичиклиги янги градирняларни қуриш ва эскиларини реконструкция қилишда капитал харажатлар катталиги, суғориш қурилмаси, сув тутгичва сачратгичларнинг самарадорлиги кичик бўлганлиги учун совитилган сувнинг таннархи юқорилигини кўрсатиш мумкин.

Юқорида келтирилганларни эътиборга олган ҳолда, ИЭС ва саноат корхоналари иссиқлик энергетик қурилмаларининг айланма сув таъминоти тизимлари энергетик самарадорлигини ошириш учун илмий ва муҳандислик асосларини ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқотларни янада давом эттириш ва амалга ошириш эҳтиёжи пайдо бўлади.

«**Градирняларда гидродинамик ва иссиқлик-масса алмашуви жараёнларини моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида шахмат тартибида жойлаштирилган қувурлар тўпламидан иборат полимер суғориш қурилмалари градирняда сувнинг плёнка томчи ва оқим кўринишида буғлатиб совитилишининг назарий аспекти ва моделлаштиришнинг натижалари келтирилган, сув буғлатиб совитиш жараёнининг термодинамик таҳлили бажарилган. Иссиқлик узатиш коэффициентини аниқлаш учун шахмат тартибида жойлаштирилган қувурлар тўплами суғориш қурилмаларида газ-сууюқлик иссиқлик ташувчиларининг ҳаракатланиш жараёнлари кўриб чиқилган.

Саноат градирняси ишини такомиллаштиришнинг ва самарадорлигини оптимал вариантларини аниқлаштириш учун градирняда сув совитилишининг иссиқлик масса алмашилиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилди.

Ихтиёрий сууюқлик ва газлар учун Рейнольдснинг $2 \cdot 10^2$ дан $2 \cdot 10^5$ оралиғида шахмат тартибидаги қувурлар тўпламини кўндаланг оқиб ўтиш шароитида конвектив иссиқлик узатишни ҳисоблаш учун М.А. Михеев тенгламаси

қўлланилган, бунда оқимларнинг турбулентлиги эътиборга олинган бўлиб тенгламанинг кўриниши қуйидагича:

$$Nu_c = 0,41 Re_c^{0,6} Pr_c^{0,33} \left(\frac{Pr_c}{Pr_{cm}} \right)^{0,25} \quad (1)$$

бу ерда: Re -Рейнольдс критерийси, Pr - Прандтль критерийси.

Бу тенгламадан критерийларни аниқлашда оқим кесимининг ва қувур диаметрининг энг тор жойидаги тезлик ва ўртача ҳароратининг сонли қийматлари қабул қилинган. Бунда қувурлар орасидаги нисбий оралиқ иссиқлик узатилишига кам таъсир қилади.

Биринчи қатор қувурларининг ўртача иссиқлик узатилиши (1) формула бўйича аниқланади ва қувурлар тўплами учун иссиқлик узатишнинг ўртача қиймати $\alpha_{кув}$ ҳисобга олиб қуйидаги тенгликдан аниқланади:

$$\alpha_{мурб} = \frac{\alpha_1 F_1 + \alpha_2 F_2 + \dots + \alpha_n F_n}{F_1 + F_2 + \dots + F_n}, \quad (2)$$

бу ерда: $\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n$ - алоҳида қувурлар қаторларининг иссиқлик узатилиши коэффиценти; $F_1, F_2, \dots, F_n$ - иссиқлик ва масса алмашувининг мувофиқ юзалари.

$$\alpha_{мурб} = D_t w_1 l_1. \quad (3)$$

Иссиқликнинг турбулент узатилиши коэффиценти D_t тажрибаларда аниқланади ва оқимнинг турбулент ҳолатига боғлиқ, бу ҳолат массанинг оқим тезлиги (w_1) ва оқим билан ўзаро таъсирда бўлган жисмнинг тегишли диаметри ўлчами (l_1) билан аниқланади.

$\alpha_{турб}$ топилганидан сўнг унинг қийматини (2) тенгламага қўйиш зарур. Шундай қилиб, (1) тенгламадан сув плёнкаси билан ёпилган қувурлар сиртидаги иссиқлик узатиш коэффиценти топиш мумкин, бунда градирия суғориш қурилмасида ҳавонинг оқиб ўтиш натижасида турбулентликнинг вужудга келиши инобатга олинади.

Асосий эътибор градириянинг насадкали ҳудудида узатиш жараёнларини моделлаштиришга қаратилган, чунки у ерда совитиш жадал амалга оширилади. Бу ерда тадқиқот қилинаётган объектлар жойлашган: ҳаво оқимининг ядроси чегара қатлами ва суюқлик плёнкаси. Чегара қатлами «сув плёнкаси-ҳаво» оқими фазалар бўлиниш чегарасида вужудга келади.

Шубҳасиз, диффузия қилинаётган массанинг узатилиш жараёнига асосий қаршилик ўзаро таъсирлашаётган фазаларнинг чегара қатламида кўрсатилади. Масса алмашиниш жараёнини жадаллаштириш йўлларида бири деб чегара қатламли-плёнкани кичрайтириш ҳисобланади.

Фазаларнинг бўлиниш чегарасидаги фазалараро чегаравий қатлам диффузион плёнканинг қалинлигини аниқлаш тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$\delta = \frac{D}{\beta} \cdot 10^{-7}, M \quad (4)$$

бу ерда: β - буғланаётган сувнинг масса узатилиш коэффициенти, м/с; D - тақсимланган модданинг молекуляр диффузияси коэффициенти; бунда F - диффузияга нормал йўналтирилган сирт.

(4) тенгламадан β катталиги плёнка катталигига δ тескари пропорционаллиги келиб чиқади. Диффузия ва масса узатилиши коэффициенти орасидаги боғланишни қуйидаги тенглама кўринишида кўрсатиш мумкин:

$$\beta = D / \delta, \quad (5)$$

Бунда суюқликда тақсимланган модданинг диффузия коэффициенти, D «плёнкали» оқим учун Рейнольдс сони Re ва насадкадаги суюқликнинг ўртача тезлиги $u_{\text{ср}}$ ҳисобланди.

Агар $Re_{\text{п}} < 1400$ бўлса, ламинар ҳолат ва $u_{\text{ср}} = 1,5u_{\text{ср}}$; агар $Re_{\text{шт}} > 1400$ бўлса, турбулент ҳолат ва $u_{\text{ср}} = 1,15u_{\text{ср}}$.

Иссиқлик ва масса алмашуви жараёнида сувнинг совитиш кўрсаткичлари аниқлангандан кейин сувни буғлатиб совитиш жараёнининг компьютер модели яратилди. Бутун технологик жараённи кўп кириш ва чиқиш кўрсаткичларга эга сачраткичга узатилаётган сувнинг умумий миқдори энергиясини ҳисобга олувчи яхлит жараён деб қараймиз.

Технологик жараённи чуқур ўрганиш учун технологик тизимнинг элементларини кўриб чиқамиз ва уларнинг ҳар бирини алоҳида квазиаппарат деб қараймиз. Градирня суғориш қурилмасининг блоки шахмат тартибда жойлаштирилган полимер қувурларнинг горизонтал ўрнатилган қатламларидан ташкил топган модел кўринишида бажарилган. Қувурлар панжарага ўрнатилган бўлиб, бу панжара полимер материаллардан мустаҳкам тузилма кўринишида ясалган. Қаторлар орасидаги масофа ва қатордаги тешиклар орасидаги масофани қувур диаметрига тенг деб олиш, иссиқлик ва масса алмашинувининг максимал жадаллаштиришини таъминлайдиган ҳаво оқимининг оптимал тезлигини олишни таъминлайди, бунда оптимал аэродинамик қаршилиқ кузатилади.

Сачратиш зонаси суюқлик ва ҳаводан ташкил топган бўлиб, унда суюқлик ва ҳаво орасида контактли иссиқлик ва масса алмашинуви жараёни кечади. Бу жараёнда сув сарфи қанчалик катта бўлса, жараён шунчалик самарадор ўтади. j - аппарат учун танлаб олинган сачратувчи ёки насадкали зонада иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнини математик моделлаштириш аппаратида иссиқлик балансини тузишдан бошланади.

$$\frac{\partial Q_j}{\partial \tau} = q_{\text{с},j-1} - q_{\text{с}}' - \Delta q_j + \Delta q_{\text{хаво}}, \quad (6)$$

$$Q_j = m_j \cdot e_j \cdot t_j,$$

бу ерда: $q_{\text{с},j}$ - j квазиаппаратидаги суюқлик иссиқлиги; $q_{\text{с},j-1}$ - j квазиаппаратга суюқлик билан келадиган иссиқлик энергияси; $q_{\text{с}}'$ - j квазиаппаратидан суюқлик билан кетадиган иссиқлик энергияси; Δq_j - j квазиаппаратидан суюқлик билан буғланиб кетадиган энергия; $\Delta q_{\text{хаво}}$ - j квазиаппаратига ҳаво билан келадиган иссиқлик энергияси.

Юқорида кўриб чиқилган иссиқлик балансининг ташкил этувчиларнинг математик баёнига ўтамыз:

$$q_{e,j-1} = G_{j-1} \cdot e_j \cdot t_{j-1}; \quad (7)$$

бу ерда: G_{j-1} - j аппаратининг сув сарфи; e_j - j квазиаппаратининг иссиқлик сифими (ҳажми); t_{j-1} - j квазиаппаратига сув билан кирган ҳарорат.

$$q_j = G_j \cdot c \cdot t_j; \quad (8)$$

$$\Delta q_{jm} = \Delta G_j \cdot I; \quad (9)$$

$$\Delta q_{jxav} = \alpha \cdot F_j (t_{xavoj} - t_j); \quad (10)$$

бу ерда: α - иссиқлик узатилиши коэффиценти; F_j - ҳаводан j - квазиаппаратига иссиқлик энергияси келадиган юза; t_{xavoj} - j аппаратига келадиган ҳаво ҳарорати; t_j - j квазиаппарат ҳарорати.

$$\Delta G = \beta \cdot F_j (X_{en} - X_{xav}); \quad (11)$$

бу ерда: ΔG - ҳаво сарфи; β - масса узатилиши коэффиценти.

Масса, ҳаво ва сув ҳароратларининг вақт бўйича ўзгариши дифференциал тенгламалар системасини ёзамиз:

$$\frac{\partial m_j \cdot c \cdot t_j}{\partial \tau} = G_{j-1} \cdot e_j \cdot t_{j-1} - G_j \cdot c \cdot t_j - (\beta \cdot F_j (X_{BH} - X_{Bozdyx})) \cdot i + \alpha \cdot F_j (t_{xavoj} - t_j) \quad (12)$$

$$\frac{\partial t}{\partial \tau} = G_{j-1} \cdot e_j \cdot t_{j-1} - G_j \cdot c \cdot t_j - (\beta \cdot F_j (X_{BH} - X_{Boz})) \cdot i + \alpha \cdot F_j (t_{xavoj} - t_j) / (m_j \cdot c) \quad (13)$$

13 - тенгламада алоҳида ёндашишни талаб қиладиган қатор кўрсаткичлар бор. Хусусан, бу масса узатилиши β ва α иссиқлик узатилиши коэффиценти. Бу коэффицентларнинг қийматларини аниқлаш учун юқорида аниқланган экспериментал ёндашиш қўлланилган. Жараён ҳисоб-китобига сезиларли таъсир қиладиган яна бир кўрсаткич ҳаводаги намликнинг ҳақиқий ва барқарор концентрацияси ҳисобланади. Барқарор ва ҳақиқий шароит учун ҳаводаги сув концентрацияси аниқланганидан сўнг уч фазали квазиаппаратнинг иссиқлик ва масса алмашувини аниқлашга ўтиш мумкин.

Уч фазали квазиаппаратда суюқ ва газ асосий ҳаракатдаги фазалар деб ҳисобланади. Қаттиқ фаза, яъни насадка қувурлари сув томчилари ва ҳавонинг контакт сиртларининг катталашиши ва оқимлар турбулизацияси кучайиши натижасида иссиқлик ва масса алмашуви коэффицентини катталашуви ҳисобига иссиқлик ва масса алмашилишининг яхшиланишига ёрдам беради. Газ фазасига ўтаётган сув буғларини иссиқлик ва масса алмашилишининг классик тенгламаси билан топилади.

$$\Delta G = K_{vj} \cdot V_j \cdot (X_j^* - X_{j-1}) + \Delta G_2 + \dots + \Delta G_{j-1}. \quad (14)$$

бу ерда: K_{vj} - j -квазиаппаратидаги солиштирма ҳажм учун масса алмашуви коэффиценти; V_j - j квазиаппарат ҳажми; X_j^* - j - квазиаппаратига кираётган суюқлик нуктаи назаридан барқарор концентрация; X_{j-1} - j - квазиаппаратига кираётган газ оқими учун намликнинг ҳақиқий концентрацияси.

Масса узатиш коэффициентининг бошқа омилларга боғлиқлиги математик ва физик моделларда олинган натижаларнинг солиштириш орқали ўрнатиш билан аниқланади. Совитиш жараёнининг кўрсаткичларини аниқлайдиган тенгламалар системасини ёзамиз:

$$t_i = (G_{j+1} \cdot c \cdot t_{j+1} - \Delta G_i + \alpha \cdot F \cdot t_{e,j-1}) / ((G_0 - \sum_{j=n}^j \Delta G) \cdot c + \alpha \cdot F); \quad (15)$$

$$X_j = \beta_j \cdot F_j (X^* - X_{j-1}) / m_j; \quad (16)$$

$$\Delta G_e = G_{ej-1} (X_{j-1} - X_j); \quad (17)$$

$$X^* = \frac{P}{P_0}; P = P_0 \cdot X_{j-1}^{*M}; G_0 = \frac{G_e}{X_0}.$$

13- тенгламани ечишни таъминлайдиган 15-, 16-, 17- тенгламаларнинг алгоритмизацияси ўтказилди. Шундай алгоритмлаштириш асосида компьютер модели шакллантирилди. МАТЛАБ амалий дастурида ўзгарувчи қийматларни тақдим этиш орқали совитилган сув ҳароратини ҳисоблаш учун компьютер модели олиган. Windows илова кўринишида амалга оширилган компьютер модели мультимедиа дастур мажмуасидир, унга Visual Basic муҳитида ишлаб чиқилган график фойдаланувчи интерфейс ва маълумотларнинг локал базаси ҳамда Matlab муҳитидаги график хулоса ва ҳисоблаш ядроси киради. Компьютер модели оптимизацион ҳисоблашларни ўтказишга альтернатив вариантларни қидиришга мослаштирилган. Чунки, насадка геометриясининг, иссиқлик масса алмашилиш кўрсаткичларининг ва ҳоказолар ўзгаришини ҳисобга олиш мақсадида дастур блоклари кодини мустақил модефикация қилиш имконияти бор.

Ҳажмий масса узатиш коэффициенти β_{xv} , $\text{м}^3/(\text{м}^2 \cdot \text{соат})$ ёки $\text{кг}/(\text{м}^2 \cdot \text{соат})$, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\beta_{xv} = A \cdot q_c^n \lambda^m \quad (18)$$

бу ерда: A коэффициентини насадканинг конструктив хусусиятларининг унинг совитиш қобилиятига таъсирини характерлайди, м^{-1} ; $\lambda = q_b / q_{ж}$ - ҳаво ва сув масса сарфларининг нисбати, $\text{кг}/\text{кг}$; H - насадка блокнинг баландлиги, м ; m - ҳаво массаси тезлигининг ўзгариши ҳисобига ҳажмли масса узатиш коэффициентиининг боғлиқлигини характерловчи даража кўрсаткичи.

Тизимнинг моддий мувозанатидан (балансидан) келиб чиқиб, сувни совитиш технологик линиясида ҳарорати ростланадиган динамик жараёнининг барча кириш ва чиқиш параметрларига эга компьютер модели тузилди.


Градиридаги иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнининг компьютер моделига кириш параметрлари деб: G_{g_0} - кираётган газнинг бошланғич сарфи, t_0 - бошланғич ҳарорат, P - аппаратдаги босим, G - суюқлик сарфи, газнинг бошланғич намлиги қабул қилинган. Градирня иссиқлик ва масса алмашуви компьютер моделининг кириш параметрлари ҳисобланади. Чиқаётган газнинг ўлчанган сарфи G_g , ўлчанган ҳарорат t_e , аппарат босими P , суюқлик сарфи G чиқиш параметрларидир. Компьютер моделининг формулизациясидан сўнг турли бошланғич шартли жараённи тадқиқот қилиш ва жараённинг тегишли

кўрсаткичларини аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Қабул қилинган бошланғич шартлар: кираётган сув ҳарорати 30°C , сув сарфи $0,4 \text{ кг/сек}$, ҳаво сарфи $0,1 \text{ кг/сек}$, ҳавонинг бошланғич намлиги $0,0002 \text{ кг/кг}$. Аппаратнинг ишчи ҳажмлари $V_0=0,1$ ва $V_0=0,5$ учун, масса узатиш коэффицентининг турли қийматлари учун; насадкали, насадка сачратгичли ва оқимнинг гидродинамик тузилиши идеал аралаштирувчи икки ячейкали сачратгич насадкали аппаратлар учун ҳисоб-китоблар ўтказилди.

Аппаратдаги оқимларнинг гидродинамик структураси идеал аралашуш кўринишида қабул қилинган. Ҳисоблар учун сувнинг ҳажми $0,5 \text{ м}^3$ масса узатиш коэффиценти 1 (бир) деб қабул қилинди. Бундай қурилмада сув 30°C дан $26,5^{\circ}\text{C}$ гача совийди. Ҳаво сарфи ошиши билан ҳарорат яна ҳам кўпроқ камаяди. Ҳисоблаш шуни кўрсатдики, икки секцияли, оқимнинг гидродинамик тузилиши идеал аралашуш бўлган совитиш аппаратида биринчи секциядан кейин совитилган сув ҳарорати $29,3^{\circ}\text{C}$, иккинчи секциядан кейин $25,6^{\circ}\text{C}$ гача бўлади. Шундай қилиб, пуркагич-насадкали аппарат жараён ҳароратини $3,4^{\circ}\text{C}$ ёки $11,8 \%$ га камайтиришга имкон беради.


Композицион полимер трубалардан ясалган суғориш қурилмаси экспериментал градириянинг кўп босқичли тизимли таҳлили амалга оширилди.

Сув-ҳаво тизимининг мувозанатли шароитлари ўрганилди, суюқ ва газли фазалар учун иссиқлик ва масса алмашувининг математик ва компьютер моделлари шакллантирилди. Компьютер моделида ўтказилган тадқиқотлар танланган насадкали элементларидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатди.



1-расм. Ўтиш жараёнида ҳароратнинг вақтга боғлиқлиги.

«Градирияларнинг экспериментал моделларида сувни совитиш жараёнларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида вентиляторли градирияда суғориш қурилмасининг янги конструкциясини синаш ва сувни турли режим ва конструктив кўрсаткичларда совитиш жараёнини тадқиқотларини ўтказиш учун 2-расмда кўрсатилган градириянинг экспериментал моделидан фойдаланилди.





2-расм. Градирнянинг экспериментал модели схемаси.

1-тадқиқ қилинаётган суғориш мосламаси; 2-сув тутгич; 3-сув пуркагич; 4-вентилятор; 5-идиш; 6-насос; 7-электр қиздиргич; 8-қиздириш идиши; 9-микроманометр; 10-кузатиш ойнаси.

Ҳаво оқими тезлиги ва унинг ҳароратини ўлчаш Testo 405-V1 термоанемометри ёрдамида ўтказилди. Аниқлик классси (ҳарорат қиймати ўзгаришидан $\pm 0,5^{\circ}\text{C} + 0,3\%$). Ташқи ҳаво ва нисбий намлик Ассман аспирацион психрометрнинг куруқ ва ҳўлланган термометри билан ўлчанди. Сув билан тўғридан тўғри таъсир шароитида сувнинг ҳароратини симобли, шишали, ўлчаш бирлиги $0,1^{\circ}\text{C}$ (ҳисоблаш аниқлиги $0,05^{\circ}\text{C}$) бўлган термометр билан ҳамда Хитойда ишлаб чиқилган аниқлиги $1,5\%$ бўлган AR300 SMART, SENSOR туридаги контактсиз перометр ва маълумотларга ишлов бериш микропроцессор тизимли термопараларда ўлчанди. Градирнянинг кириш-чиқиш қисмида сув оқими ҳароратини ўлчаш учун ҳарорат датчиклари ўрнатилган. Лаборатория қурилмаси баландлиги $h_{\text{ап}} = 4,5$ м, градирня корпусининг ички ўлчами $1,0 \times 1,0 \text{ м}^2$, сув мосламасининг баландлиги $h_{\text{нас}} = 0,8 - 1,2$ м гача ўзгаради.

Дастлаб бўш аппаратда сувни совитиш жараёни тадқиқ қилинди, сўнг аппаратнинг ичига 4 дан 8 гача контакт элементлари ўрнатилган ҳолатда тажрибалар ўтказилди. Ҳар бир қаторда қувурлар шахмат тартибида жойлаштирилган, бунда қуйидаги ўлчам катталиклари ўрнатилган $s_1/d = s_2/d$, $s_1 = 0,63 \text{ м}$, $s_2 = 0,63 \text{ м}$, $d = 0,63 \text{ м}$.

Градирнянинг кириш-чиқиш қисмида ҳавонинг ҳарорати суғориш қурилмаси қувурларининг сиртидаги сув плёнкаси ҳамда совитилган ва совитилувчи сувнинг ҳарорати маълумотларни микропроцессор тизими билан ишлов берадиган ва потенциометрга уланган хромел капел термопаралари билан ўлчанди.



3-расм. ПСМБ (БОП)-63 композицион полимер қувурлардан тузилган суғориш мосламаси.

Экспериментал градирнянинг моддий ва иссиқлик балансларининг иссиқлик техникаси ҳисоблари ўтказилди. Градирняда сувни совитиш технологик линияси жараёнларини математик моделлаштиришда битта квази секцияси учун моддий ва иссиқлик баланслари назарий тузилди. Математик моделнинг адекватлигини текшириш учун экспериментал градирняда реал иссиқлик масса алмашилиш жараёнларининг барча кўрсаткичлари ўрганилди ва ҳисоблаб чиқилди. Градирняда сувни буғлатиб совитишда масса узатиш экспериментал маълумотларни бирлаштириб масса алмашилишнинг ҳажмий коэффициенти $\beta_{\text{хв}}$ учун қуйидаги эмпирик боғланиш олинди:

$$\beta_{\text{хв}} = 0,54 \cdot q_c^{1,02} \lambda^{0,27} \quad (19)$$

бу ерда: q_c - суғориш зичлиги, $\text{м}^3/(\text{м}^2 \cdot \text{соат})$; $\lambda = \frac{G}{V_c}$.

Суюқ фаза бўйича градирнянинг иссиқлик ФИКни ушбу формула билан аниқлаш мумкин:

$$\eta_{\text{жс}} = \frac{t_1 - t_2}{t_1 - t_{\text{н.м}}} \cdot 100 \% \quad (20)$$

бу ерда: t_1 - градирняга киришдаги сувнинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; t_2 - градирнядан чиқишдаги сувнинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; $t_{\text{н.м}}$ - градирняга киришидаги нам термометр ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$ (суюқликни совитишнинг назарий чегараси).

Суғориш қурилмали экспериментал қурилмада сувни совитиш жараёнини тадқиқ қилиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Бунда вентильатори ишлайдиган ва ишламайдиган ҳолатларда градирнянинг ишлашга қодирлиги аниқланди.

Қувурли суғориш мосламаси бўлган экспериментал қурилмада сувни буғлатиб совитиш жараёнида, ҳавонинг турли тезликлари ва ўзгармас суғориш зичлиги шароитида, ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлигини экспериментал натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.


Ҳавонинг ҳар хил тезлиги ва ўзгармас суғориш зичлиги шароитида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари

Тажриба рақами	1...4	5..7	8...10	11,12	13,14
Ҳаво тезлиги; w , м/сек	1,7	1,72	1,82	1,84	2,1
Киришдаги ҳаво ҳарорати; t , $^{\circ}\text{C}$	17,2	29,2	29,3	29,4	30
Нам ҳаво, %	31,7	31,6	34	32	32
Хўл термометр кўрсаткичи бўйича киришдаги ҳаво ҳарорати; t , $^{\circ}\text{C}$	21	20,6	21	22	22
Киришдаги сув ҳарорати; t , $^{\circ}\text{C}$	38	41	43	42	40
Чиқишдаги сув ҳарорати; t , $^{\circ}\text{C}$	27	30	32	31	29
Суюқлик бўйича иссиқликнинг ФИК; η , %	65	54	50	55	61
Иссиқлик узатиш коэффициенти; α_v , $\text{Вт}/\text{м}^3 \cdot \text{К}$	928,8	948,2	959	968,4	971
Масса узатиш коэффициенти; $\beta_{\text{хв}}$, $\text{кг}/\text{м}^3 \cdot \text{сек}$	2,855	2,866	2,910	2,918	3,022

1-жадвалдан ҳаво тезлиги ошганда ва суғориш зичлиги q_c доимий қийматга эга бўлганда иссиқлик узатиш коэффициенти α катталашуви, 4-расм


ва масса ўзатиш коэффициентининг β_{xv} эса кам ўзгариши кўринади 5-расм.

$\alpha_v, \text{Вт/м}^3\text{К}$




4-расм. Суғориш зичлиги $q_c = 4.93 \text{ м}^3/\text{м}^2 \cdot \text{соат}$ га тенг бўлганда ҳажмий иссиқлик узатиш коэффициентини ҳаво тезлигига боғлиқлиги.

$\beta_{vx}, \text{кг/м}^3\text{с}$




5-расм. Суғориш зичлиги $q_c = 4.93 \text{ м}^3/\text{м}^2 \cdot \text{соат}$ га тенг бўлганда ҳажмий масса узатиш коэффициентини ҳаво тезлигига боғлиқлиги.




6-расм. 64 м² майдонли намунавий градирня учун совитилган сув ҳарорати t_2 нинг суғориш зичлигига q_c га боғлиқлиги.

6-,7-расмларда майдони 64-144 м² ли бўлган градирня учун совитилган сув ҳарорати t_2 нинг суғориш зичлиги q_c га боғлиқлигининг таққослаш

маълумотлари келтирилган. Чизмалардан ҳисобланган экспериментал маълумотларнинг совитилган сув эгри чизиқлари (1-эгри чизиқ) билан қоникарли мос келиши кўриниб турибди.



7-расм. 144 м² майдонли градиня учун совитилган сув харорти t_2 нинг суғориш зичлиги q_c га боғлиқлиги



8-расм. Совитилаётган сув харорати ўзгаришининг суғориш қурилмаси оаландлигига боғлиқлиги.

Суғориш қурилмаларида сувни совитишнинг иссиқлик масса алмашиниш жараёнларига таъсир этадиган кўрсаткичларидан бири унинг гидравлик қаршилигидир. Шу сабабли биз суғориш қурилмасининг аэродинамик қаршилигини тажрибаларда текширдик ва қуйидаги формула билан ҳисобладик:

$$\Delta P = \zeta_{op} \gamma_s \omega^2 / (2g). \quad (20)$$

Суғориш қурилмаси аэродинамик қаршилигининг суғориш зичлигига боғлиқлиги экспериментал тенглама билан ифодаланади:

$$\zeta_{op} = h(\zeta_{c.o} + K_{op} q_c). \quad (21)$$


Суғориш қурилмасининг ҳисобий аэродинамик кўрсаткичлари сифатида $\zeta_{c.o}$ ва K_{op} катталиклари олинган уларни аниқлаш учун суғориш зичлиги ва ҳаво тезлигининг турли қийматларида аэродинамик тадқиқотлар (ўлчовлар), шу жумладан, сув берилмайдиган ҳолатда (қуруқ суғориш мосламаси) ҳам ўтказилди. (20) - (22) тенгламалар орқали ζ_{op} ва $\zeta_{c.o}$, қийматлари аниқланди ва барча ўлчовлар натижалари бўйича ўрта қиймати олинди. Кейин (21) дан, K_{op} ни қиймати аниқланди:

$$K_{op} = (\zeta_{op} - \zeta_{c.o}) / q_{жс}. \quad (22)$$

(22) тенгламадаги ζ_{op} ва $\zeta_{c.o}$ суғориш қурилмасининг бир метр баландлигига тўғри келади.

Суғориш қурилмасининг аэродинамик қаршилигини аниқлаш учун қуйидаги параметрлар ўлчанган. Градирнянинг суғориш қурилмалари устидаги эркин кесимида ҳаво ҳаракатининг тезлиги w м/с; суғориш зичлиги q_c , $m^3/(m^2 \cdot соат)$; қуруқ термометр бўйича ҳаво ҳарорати ϑ ; °С, суғориш қурилмасининг тагида H_1 , ва устида H_2 ($кг/м^2$) нуқталарида босим датчикларидан олинган микроанометр кўрсаткичлари.

9-расмда тезлик 2 м/с ва суғориш зичлиги $q_c=10,93 m^3/m^2 \cdot соат$ ҳолатида ΔP нинг h баландликка боғлиқлик графиги кўрсатилган.



9-расм. ΔP нинг суғориш қурилмаси баланлиги h боғлиқлиги.

Ҳисоблаш ва экспериментал маълумотларнинг яхши мос келиши таклиф этилган математик моделнинг ишга қодирлиги, реал иссиқлик масса алмашинуви ва ҳаво тезлигининг асосий омилларини етарлича аниқлик билан кўрсатишидан далолат беради.

Математик модель ва тажриба маълумотларида иссиқлик ФИК қийматларининг фарқи 5% дан ошмайди.

«Саноат градирнялари ишлашини энергия самарадорлигини ошириш мақсадида модернизация қилиш» деб номланган тўртинчи бобида «Муборакнефтваз» МЧЖ «Кўкдумалоқ» ГБУКС ва «МГҚИЗ» МЧЖда ўрнатилган саноат градирняларининг техник тавсифи кўриб чиқилган. «Муборакнефтваз» МЧЖ «Кўкдумалоқ» ГБУКС ишлаб чиқариши корхонасининг АСТТларида совитувчи қурилма сифатида ҳар бир секциясининг суғориш юзаси $144 m^2$

бўлган уч вентиляторли градирня ўрнатилган. Градирняда иссиқлик-масса алмашуви жараёнини жадаллаштириш учун градирнянинг ичида таянч панжарасига баландлиги 1,0 м гача бўлган бир қатор БОП-63 композицион полимер қувурлардан ишланган ўлчамлари $1,0 \times 1,0 \times 2,0 \text{ м}^3$ бўлган блоклардан тузилган суғориш қурилмалари ўрнатилди. Лойиҳа бўйича кўзда тутилган суғориш қурилмалари билан бир хил баландликка эга таклиф этилган суғориш қурилмасининг аэродинамик қаршилиги 2-4 марта кичик.

«МГҚИЗ» МЧЖнинг корхоналарида совитувчи қурилма сифати вентиляторли АСТТда олти секцияли градирнялар қўлланилди. «МГҚИЗ» МЧЖ да такомиллаштиришнинг биринчи босқичи 2-цеҳдаги олти секцияли 192 м^2 бўлган суғориш майдонли вентиляторли градирнянинг тўртинчи секциясидан бошланди. Унда бир қаторнинг баландлиги 1,0 м бўлган БОП-63 қувурли суғориш мосламалари ўрнатилди (3-расм).

Градирня ишининг энергия самарадорлигига ижобий таъсир этувчи асосий иссиқлик техник параметрлар қуйидагилар: 1. Ҳаво тезлигининг қиймати. 2. Суюқлик сарфининг қиймати. 3. Суғориш қурилмаси блокларининг конструкцияси. 4. Фаза тақсимланишининг нотекислиги. Бу шартларнинг барчаси суғориш қурилмаларини ўрнатиш орқали такомиллаштирилишда бажарилди. Фазалар тақсимланишининг бир хиллиги шароитида полиэтилен қувурли суғориш қурилмали блокларига эга градирня иссиқлик ФИК $\eta_{\text{ж}}=0,75$ ни ташкил этади.

БОП-63 композицион полимер материаллардан ясалган суғориш қурилмали градирня суғориш қурилмаларининг баландлиги 1,0 м бўлганда бошқаларга нисбатан сувни яхши совитади, иссиқлик ФИК эса $1,15 \div 1,8$ марта каттароқ.

Шундай қилиб, «Муборакнефтьгаз» МЧЖ «Кўкдумалоқ» ГБУКС ва «МГҚИЗ» МЧЖда градирняларни суғориш қурилмаларини татбиқ этиш орқали такомиллаштириш натижасида иқтисодий самара 2015 йил нархларида 136 859 602 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Сув совитиш қурилмаларида (градирняларда) иссиқлик ва масса алмашиш жараёнларини жадаллаштириш технологиясини яратиш» мавзусидаги докторлик диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Буғлатиб совитиш гарадирнясининг суғориш қурилмаси ёрдамида суюқ фазанинг таъсирини турбулент алмашилиш коэффициентларини иссиқлик узатишни масса алмашилиш ва узатилаётган масса нисбатларининг балансларини, иссиқлик оқимларини назарда тутувчи ва градирнялар суғориш қурилмаларини ҳисоблаш вариантларини танлаш учун ишлатиладиган газ ва суюқлик ҳаракатининг математик модели ишлаб чиқилган. Натижада иссиқлик узатишни масса алмашилиш ва узатилаётган масса нисбатларининг балансларини қуришда аниқлик даражасини 5% ошириш имкони яратилган.

2. Рақамли экспериментлар усулида; буғлатиб совитиш мосламаларнинг характерли тартиботлари; насадка баландлиги 0,1-1,2 м бўйича ҳароратлар концентрациялар ва оқимлар таҳлили; конструктив параметрлар таъсири: насадка баландлиги 0,1-1,2 м ва канал кенглигининг 0,063 м градирнянинг совитиш имкониятига таъсири аниқланган. Натижада совитилаётган сувнинг ҳарорати 27°C га тенг бўладиган баландликнинг оптимал қийматининг имкони яратилган.

3. Контакт элементли суғориш қурилмада газ оқими ва суюқликнинг ўзаро таъсири натижасида суюқ фазанинг дисперсланиши иссиқлик масса алмашилиш жараёнларини жадаллиги суғориш қурилмаси элементларининг жойлашишига боғлиқлиги аниқланди. Натижада, шахмат тартибида жойлашганда оптимум қийматга эга; томчиларнинг деспергатор ва қувурлар оралиғидаги парчаланиш даражаси; суғориш мосламаси элементларининг суюқлик билан ҳўлланилиши; ҳаво тезлиги; сув сарфи қийматини аниқ ҳисоблаш имконини берган.

4. Тажриба стендида градирняда сувни совитиш жараёни тадқиқот қилинди, масса бериш коэффиценти ва иссиқлик ФИКнинг ҳаво тезлиги, сув сарфи, суғориш зичлигига боғлиқлиги ва суғориш қурилмаси қаршилигининг унинг баландлигига боғлиқлиги аниқланди. Натижада, полимер композицион материаллардан ясалган суғориш қурилма 1,0x1,0x2,0 м³ ўлчамли, сувни совитиш жараёнини лойиҳадагидан 30-35 % га жадаллаштиришга имконини берган.

5. Математик модел ва экспериментал тадқиқотлар натижалари саноат градирнялари учун суғориш қурилмаларини конструкциялашда оптимал техник ечимларни танлаш учун ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган. Натижада, конструкциянинг оптимал вариантини танлаш имконини берган.

6. Ишлаб чиқилган суғориш қурилмасига (1,0x1,0x2,0 метрли блок) Ўзбекистон давлат стандарти Tsh15008740-01:2013 рақами, №FAP 01048 «Градирня суғориш қурилмалари» фойдали маделига патент олинган. Ушбу суғориш қурилмаси ГБУКС «Кўкдумалоқ» «Муборакнефтвергаз» МЧЖнинг учвентиляторли градирнясини ҳамда «МГҚИЗ» МЖЧси иккинчи цехининг олти секцияли градирнясининг тўртинчи секциясини такомиллаштиришда татбиқ этилди. БОП-63 суғориш қурилмасини ГБУКС «Кўкдумалоқ» «Муборакнефтвергаз» МЧЖ ва «МГҚИЗ» МЖЧда татбиқ этиш натижасида 136 859 602 иқтисодий самара олиш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc.27.06.2017.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И
ООО «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУРТАЗАЕВ КУВОНДИК МУСТАФАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ В ОХЛАДИТЕЛЯХ-ГРАДИРНЯХ
ЗА СЧЕТ ИНТЕНСИФИКАЦИИ ТЕПЛО-МАССООБМЕННЫХ
ПРОЦЕССОВ**

05.05.04 – Промышленная теплоэнергетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/ T96

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова и Институте пожарной безопасности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Мухиддинов Джалалиддин Насырович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кремков Михаил Витальевич**
доктор физико-математических наук, профессор

Шаисламов Алишер Шоабдурахманович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **АО «Issiglikelektroiha»**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании Научного совета Dsc.27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно-технический центр». Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер 33). Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокол рассылки № __ от «__» _____ 2017 года).

К.Р.Аллаев
Председатель научного совета
по присуждению учёной степени
д.т.н., профессор

О.Х. Ишназаров
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёной степени, д.т.н., с.н.с.

Ш.И.Клычев
Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
учёной степени, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире приобретают важное значение исследования, направленные на бесперебойное охлаждение технологического оборудования в производственных отраслях, повышение эффективности обеспечения качественной электроэнергией, а также создание энерго- и ресурсосберегающих рабочих режимов. В связи с этим, уделяется особое внимание повышению энергетической эффективности охлаждения воды с помощью оросителей, движущейся в технологических линиях промышленных предприятий. В этом направлении, том числе, в развитых странах «широкое применение в промышленных предприятиях градирен позволяет до 95% сократить потребление подпиточной воды»¹.

В мире развитие промышленных предприятий при повышении эффективности теплоэнергетики, в том числе разработке надежных и экологических чистых технологий приобретает особое значение. В этой отрасли, в частности, в системе оборотного водоснабжения совершенствование установок, определяющие факторы, влияющие на качество работы каждого отдельного элемента, разработка комплексных методов повышения охлаждающих способностей в системе оборотного водоснабжения, создания энергосберегающих градирен, является одной из важных задач научно - исследовательских работ.

